1405 йилда Амир Темур вафотидан сўнг унинг йирик давлати парчалана бошлади. Темурий шахзодаларнинг тахт учун ўзаро курашлари кудратли давлатнинг бўлинишига асосий сабаблардан бири бўлди. Сохибкирон тахтига валиахд килиб набираси Пирмухаммадни колдирган бўлсада, кўпгина амирлар ва амалдорлар унинг хукмронлигини тан олмадилар. 1405 йил март ойида Темурнинг бошка бир набираси Халил Султон Самарканд тахтини эгаллади. Ундан ташкари, Хуросонда Шохрух; Балх, Газна ва Кандахорда Пирмухаммад; ¢арбий Эрон ва Озарбайжонда Мирзо Умар ва Абу Бакр Мирзо; Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрамда Амир Бердибек; Ўратепа ва Фаргонада амир Худойдод; Хоразмда амир Идику ўзларини хукмдор деб эълон килдилар.

Мамлакатдаги парокандалик ва ўзаро урушларга бархам бериш учун Шохрух Мирзо кўп саъйи-харакатлар килди. XV асрнинг 20-йилларига келиб Амир Темур мулкларининг карийб хаммаси Шохрух ва унинг оила аъзолари кўл остида эди. Мовароуннахр ерларини 1409 йилдан бошлаб Шохрухнинг тўнгич ўгли Мирзо Улугбек бошкара бошлади. Улугбекнинг хукмронлик даври (1409-1449 йй.) асосан, Мовароуннахрда ижтимоий-иктисодий хаёт, илм-фан ва маданиятнинг ривожланиши билан изохланади. Улугбек бобоси Амир Темур каби харбий истеъдодга эга эмас эди. У мамлакат ичидаги ва атрофидаги осойишталикни саклаб туриш максадида айрим харбий юришлар килиб турди холос. 1447 йилда Шохрух Мирзо вафотидан сўнг Темурийзодалар ўртасида кураш бошланиб кетди. Окил ва доно хукмдор Улугбек бу курашларга бархам беришга харчанд харакат килмасин бунинг уддасидан чиколмади. Аксинча, ўгли Абдулатифнинг бевосита иштироки туфайли ўзи бу курашларнинг курбони бўлди. Хуллас, XV асрнинг ўрталарига келиб, Мирзо Улугбек вафотидан кейин (1449 й.) Темурий шахзодалар ўртасида тож-тахт учун кураш яна авж олди. Абдукосим Бобур (1452-1457) ва Абдусаид Мирзоларнинг (1458-1468) фаолияти хам ўзаро урушларга бархам бера олмади. 1469 йилга келганда Хуросонда Хусайн Бойкаро хокимиятни эгаллаб, бу худудларда нисбатан тинчлик ўрнатди. Унинг дўсти-буюк шоир Алишер Навоий (1441-1501) мухрдор, вазир, Астробод хокими лавозимларида ишлаб, Хуросон ижтимоий-сиёсий хаётида катта рол ўйнайди. Навоийнинг саъй-харакатлари билан Хиротда илм-фан, маданият гуркираб ривожланди. Ўзаро урушларга нисбатан бархам берилди.

Мовароуннахрда эса бу даврга келиб сиёсий таркоклик авжига чикди. Хар бир вилоят, хар бир шахарларда темурий шахзодалар ўзларининг мустакил хукмронлигини ўрнатишга харакат килдилар. Улар хокимият учун ўзаро курашларда Дашти Кипчок кабилалари кучларидан фойдаланишар эдилар. Масалан: 1451 йилда Урусхоннинг набиралари Абдусаидга хокимиятни эгаллаш учун ёрдам берган бўлса, орадан уч йил ўтгач Абулхайрон Мухаммад Жукийга хокимиятни эгаллашга кўмаклашди. Бу ўзаро курашлар Мовароуннахр ахлининг ахволини ёмонлашишига олиб келди.

XY аср охирларига келиб, Мовароуннахрда Темурийларнинг бир-биридан ўзаро мустакил бўлган учта хокимияти вужудга келди:

1. Самаркандда Султон Ахмад Мирзо хукмронлиги (1468—1503);
2, Тошкентда Султон Махмуд Мирзо хукмронлиги (1468-1498);

3. Андижонда Умаршайх I Мирзо хукмронлиги (1468-1494).

Бу учала давлатнинг ўзаро урушлари Мовароуннахр ахлининг темурийлардан норозилигини янада авж олдирди. Айникса, юкори табака вакиллари марказлашган давлат тарафида турдилар. Бу темурийзодаларнинг давлат бошкарувида мустахкам таянчга эга эмаслигидан далолат берарди. Бу вактда темурийлар хузурида таълим олган Абулхайрхоннинг невараси Мухаммад Шохбахт Дашти Кипчокда дашт уругларини бирлаштириб, ўз хокимиятини мустахкамламокда эди.
Шайбонийхон харбий харакатлар олиб бориб марказлашган давлат тузиш максадида гох темурийлар, гох шимолдаги мўгуллар билан иттифок тузди. У 1487-88 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясса (Туркистон), Сигнок шахарларини босиб олиб, 1499 йилда Мовароуннахр худудларига жиддий харбий харакатлар бошлади.
Махаллий хукмдорлар ўртасидаги ўзаро курашлар авж олган Самарканд шахрини Шайбонийхон 1500 йилнинг бошларида жангсиз эгаллади. Дашт улуглари бир неча ой шахарни шафкатсиз талон-тарож килдилар. Бу эса махаллий феодаллар норозилигига сабаб бўлди. Бундан фойдаланган Темурий шахзода Захириддин Мухаммад Бобур ўша йили (1500 йил) Самарканд тахтини иккинчи марта эгаллади. Аммо махаллий зодагонлар кўпчилиги Бобурни кўллаб-кувватламадилар. 1501 йилнинг бахорида Бобур Шайбонийхон билан бўлган жангда енгилади ва Самаркандни унга топширади.
Дашти Кипчокликлар киска муддат ичида Бухоро (1500), Самарканд (1501), Тошкент (1503), Хисор (1504), Урганч (1505), Хирот (1507) каби шахар ва вилоятларни эгаллаб, Шаркий Туркистон чегараларидан Марказий Афгонистон худудларигача чўзилган ерларда марказлашган шайбонийлар давлатига асос солдилар. Темурийлар давлатидаги сиёсий таркоклик, айрим хукмдорларнинг ажралиб мустакилликка интилиши бу давлатнинг емирилишига олиб келган бўлса, Шайбонийхон бундай таркокликка чек кўйиб мамлакатнинг бирлигини мустахкамлай олди.
Шайбонийхоннинг жанубга томон юришлари Эрон шохи Исмоил I томонидан тўхтатилди. 1510 йил Марв атрофларида бўлган жангда дашт кўшинлари тор-мор этилди ва Шайбонийхон халок бўлди. Эронийлар томонидан кўллаб-кувватланган Бобур 1511 йилда Хисор, Кўлоб, Кундуз, Бадахшон ва Самаркандни эгаллади. Аммо 1512 йилда шайбонийлардан бўлган Убайдулла Султон кўшинлари ўиждувон якинида Бобур ва шох Исмоилнинг бирлашган кучларини маглубиятга учратди. Шундан сўнг Бобур аввал Кобулда, кейин эса Хиндистонда ўз хокимиятини ўрнатди. Дашти Кипчок кабилалари эса Мовароуннахрда ўрнашиб колдилар.
XV аср охири-XVI аср бошларидаги Дашти Кипчок, Мовароуннахр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий вокеалар тўгрисида ёзилган муаллифи номаълум «Тарихи гузидаи Нусратнома», Мухаммад Солихнинг «Шайбонийнома», Бобурнинг «Бобурнома» асарлари мухим манбалар хисобланади.
Темурийзодалар ўртасидаги ўзаро урушлар, биродаркушликлар нафакат куйи табака ахлининг, балки йирик зодагонларнинг хам норозиликларига сабаб бўлди. Натижада Амир Темур асос солган улкан салтанат таназзулга юз тутди ва тугатилди.
Темурийлардан кейин хокимият тепасига келган шайбонийлар сулоласи даврида хам марказий хокимият унчалик мустахкам эмас эди (бу ўринда Абдуллахон II хукмронлиги даври (1583-1598) бирмунча диккатга сазовордир). Бу холат ўша давр Ватанимиз худудларининг парчаланиб, алохида давлатларга бўлиниб кетиши ва заифлашуви учун замин яратди.